Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

Ishonch

• O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri
• Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2024-yil 8-fevral // payshanba // № 19 (4927)

Алишер НАВОИЙ

Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур,
Не ажаб, чун сарвинозим ўн сакиз ёшиндадур.

Деса бўлғайким, яна ҳам ўн сакиз йил ҳусни бор,
Ўн сакиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур.

Ўн сакиз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдурур
Ҳусн шоҳи, ул балоларким кўзу қошиндадур.

Ҳайрат этмон ҳусни нақшидаки, ҳар ҳайратки бор,
Барчаси эзид таоло сунъи наққошиндадур.

Тан анга сийму ичинда тош музмар кўнглидин,
Ақлга юз ҳайрат ул ойнинг ичу тошиндадур.

Май кетур, эй муғки, юз ҳайрат аро қолмиш Масиҳ,
Булажабларким, бу эски дайр хуффошиндадур.

То Навоий тўкти ул ой фурқатидин баҳри ашк,
Ҳар қачон боқсанг, қуёш акси анинг ёшиндадур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко 7-9 февраль кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти «Оҳалик – Оқбўйро – Миронкўл» туристик-рекреацион зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.
Унга мувофиқ, Самарқанд туманида умумий майдони 1 697 гектар бўлган «Оҳалик», умумий майдони 414 гектар бўлган «Оқбўйро» ҳамда умумий майдони 2 545 гектар бўлган «Миронкўл» тоғ туризми лойиҳаларидан иборат «Оҳалик – Оқбўйро – Миронкўл» туристик-рекреацион зонаси ташкил этилади.

Президент фармонига асосан, Содиқов Шуҳрат Муҳаммаджонович бош вазир котибияти раҳбари лавозимига тайинланди. Бу ҳақда ҳукумат раҳбарининг матбуот хизмати хабар берди.

Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Шавкат Умурзоқов Минск шаҳар ижроия қўмитаси раиси Владимир Кухарёв билан учрашди. Учрашувда Тошкент шаҳридаги қулай сармоявий муҳит, инвесторлар учун яратилган кафолат ва имкониятлар, 2030 йилгача Тошкент шаҳрида амалга оширилиши режалаштирилган йирик лойиҳалар ҳақида сўз юритилди. Турли йўналишларда, хусусан, мебель ишлаб чиқариш, фармацевтика, тиббиёт, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Хоразм вилояти

Ташаббус

Маърифат ОЙИНАСИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши биноси олдида «Ishonch» газетаси учун махсус бурчак ташкил этилди

Хоразм вилоятида «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг мухлислари жуда кўп. Газеталар саҳифаларида чоп этилаётган турли мавзулардаги таҳлилий мақолалар, баҳсга чорловчи фикрлар, мулоҳаза-ю мушоҳадалар ҳеч бир муштарийни бефарқ қолдирмайди.

Яқинда кенгаш раиси ташаббуси билан Хоразмдаги касаба уюшмалари биноси олдида «Ishonch» газетаси учун махсус тасвирий ойина тайёрланиб, унга газетанинг янги сонлари қўйиб бориладиган бўлди.

Эндиликда бино олдидан ўтаётган юртдошларимизда қизиқиш билан мутолаа қилиш имконияти мавжуд. Кечқурунлари ҳам газета ўқишга қулай бўлиши учун тасвирий ойина тунги чироқлар билан ёритилди.

– Ишга келганимда столим устида «Ishonch» турган бўлса, кайфиятим кўтарилади, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши раиси Гулсара Қурбонбоева. – Ундаги ҳар бир мақолани, имкон қадар, ўқиб чиқишга ҳаракат қиламан. Ҳамкасбларимизнинг газетада нашр этилган илғор тажрибаларини фаолиятимизга татбиқ этиш чораларини кўраман. Турли мавзуларни кузатиб, баъзиларини касасабақўмларга, дўстларимга тавсия қиламан. Умуман, барча уюшма фаоллари мазкур нашрларни севиб мутолаа қилишади, ундаги мавзуларни фаолиятида қўллашади. Жумладан, бошланғич ташкилотларда ўтказиладиган «Маънавият соатлари»да севимли нашримизда чоп қилинган мақолалардан кенг фойдаланилади.

Шу маънода айтганда, «Ishonch» касаба уюшмаларининг халққа айтар сўзи, бош минбари сифатида эътирофга лойиқ. Буни чоп этилаётган бир-биридан қизиқ мақолалар ва уларнинг эътирофидан ҳам билиш мумкин. Яқинда газетада таниқли журналист Ҳусан Эрматовнинг машҳур ҳофиз Ортиқ Отажонов хотирасига бағишланган «Ҳалол ҳофиз эди» мақоласи чоп этилганида, жуда кўплаб юртдошларимиз қўнғироқ қилиб, муаллифга ва таҳририятга раҳматларини етказиб қўйишимизни сўрашди. Бундай воқеалар ҳаётимизда жуда кўп бўлиб туради. Газетанинг деярли ҳар бир сони муштарийлар қўлига етиб борганида ундаги бирон-бир мақола ҳақида илиқ фикрлар эшитамиз. Бугунги ташаббусимиздан мақсад шундай: маърифат нуридан барча-барча инсонлар ҳам баҳраманд бўлсин.

Юлдуз РЎЗМЕТОВА

Тошкент вилояти

Ажабо!

Дахлизда ЎТИЛАЁТГАН ДАРСЛАР

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ БАЪЗИ МАКТАБЛАРДА УМУМАН СПОРТ ЗАЛЛАРИ ЙЎҚ

Баҳор ва куз мавсумларида, ҳартугул, очиқ майдонда шуғулланадиган ўқувчилар ҳозирги совуқ кунларда дарсларни ё йўлакда, ё синфхонада бадантарбия машқлари билан ўтказишмоқда.

– Қизим Қуйи Чирчиқ туманидаги 29-сонли мактабда ўқийди, – дейди исмини бизга ошкор этишни истамаган ота-оналардан бири. – Минг афсуски, мактабда спорт зали йўқ. Биз ота-оналар бу ҳақда турли жойларга мурожаат қилаверганимизга 10 йилдан ошди. Ҳамиша «шу йил давлат дастурига киради» деган жавобни оламиз. Бу орада катта ўғлим мактабни ҳам битирди, ҳозир кейинги икки нафар фарзандим шу мактаб ўқувчиси. Болаларимнинг синфхона ёки йўлакда эмас, рисоладагидек спорт залида бемалол машғулотлар ўташини ва тўгаракларга қатнашини истайман...

Бизга айнан шу муаммо бўйича мурожаат қилган ота-оналардан яна бири Дилрабо Азимованинг айтишича, унинг фарзандлари ҳозирда Қуйи Чирчиқ туманидаги 42-сонли мактабда таҳсил олишади.

– Мактабда на спорт зали, на фаоллар зали, на ошхона бор, – дейди Дилрабо Азимова. – Болалар қачонгача жисмоний тарбия дарсида бир-бири билан гап сотиб, вақт ўтказишади ёки бу фан йўлакда ўтилади? Қанийди, битта спорт зали бўлиб, унда турли тўгараклар ҳам ишласа. Мактабимизда ошхона ҳам йўқ. Тушликкача очиққан болалар танаффус пайти йўлнинг нариги бетидаги дўконга югуришади. Йўлда машина қатнови бор, хавотир оласиз...

Маълум бўлишича, туманда бугунги кунда 52 та мактаб фаолият юритади ва уларнинг 13 тасида спорт зали йўқ. Ўрганишга кўра, ушбу ҳудудга қўшни бўлган Оққўрғон туманида ҳам 50 та мактаб бор бўлиб, уларнинг 20 дан ортиғида спорт зали йўқ экан. Иккитагина тумандаги кўрсаткичларнинг ўзидаёқ, спорт залисиз мактаблар сони 40 тага яқинни ташкил этмоқда.

Ваҳоланки, Тошкент вилоятида 22 та туман ва шаҳарлар бор. Улардаги умумтаълим мактаблар сони бугунги кунда 888 та, таълим олаётган ўқувчилар эса 521 минг 315 нафарни ташкил қилади. Спорт залларига эга бўлмаган мактаблар сонига эса тўхталиб ўтирмадик.

Хўш, ўз спорт залларию-ю фаоллар залларига, мактаб ошхонасига эга бўлмаган таълим масканларининг муаммоси қачон ҳал бўлади?

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

2024 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистонда мобил алоқа билан таъминланган абонентлар сони қарийб 34,2 млн. нафарга етган. Шундан 28,8 млн. нафари аҳолида қайд этилган. Аҳолининг мобил алоқа билан таъминланганлиги ҳар 100 киши ҳисобига 79 бирликни ташкил этди. Бу рақам 2020 йилда 69 бирлик, 2021 йилда 71 бирлик, 2022 йилда 73 бирликдан иборат бўлган.

www.ishonch.uz
ishonch1991@yandex.uz
https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi
https://t.me/ishonchgz

Навоий вилояти

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва унинг қуйи тизимлари бугун жойларда меҳнат муносабатларини тўғри шакллантириш, ходимлар манфаатларини ҳар томонлама мустаҳкам ҳимоя қилиш, халқимизнинг маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий билим ҳамда кўникмаларини ошириш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Бунинг самараси ўлароқ жамиятимизда инсон қадр-қиммати тобора юксалиб, минглаб хонадонларга файз-барака, тинчлик-тотувлик, меҳр-оқибат кириб боряпти.

Биз ҳам бир ёндан

ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМ

Халқимизда «Борида шукр, йўғида сабр қил», деган ажойиб ҳикмат бор. Орамизда кам бўлса-да ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган, қўл остидаги ходимларни турли баҳона ва найранглар билан сарсон қиладиган, уларнинг қонуний иш ҳақлари-ю бериладиган бошқа тўловларини кечиктирадиган иш берувчилар ҳам топилади. Мисол учун, кейинги бир йил давомида Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Навоий вилояти кенгаши ҳамда бошланғич касаба уюшмалари қўмиталарига меҳнат ва бошқа низолар билан боғлиқ 11 минг 193 та ёзма ва оғзаки мурожаат келиб тушган. Уларнинг 2 минг 712 таси ходимларнинг бевосита ҳуқуқий муаммолари билан боғлиқ, 1 минг 345 тасида ижтимоий-иқтисодий ва 3 минг 340 тасида эса моддий ёрдам олиш масаласи назарда тутилган.

Айни паллада тиббиёт йўналишидаги 43 та ташкилот вилоят кенгашимиз билан бевосита ҳамкорлик ўрнатган бўлиб, уларда 29 минг 238 нафар ходим хизмат қилади. Рақамларни қиёсан солиштирсак, вилоятда хизмат қилаётган ишчи-ходимларнинг ҳар учтадан биттаси мавжуд муаммолар юзасидан касаба уюшмаларига расман мурожаат қилган. 2 минг 712 нафар ходимнинг ҳуқуқи бузилгани эса касаба уюшмаларига аъзо бўлган тиббиёт ходимларининг салкам ҳар 10 нафаридан биттаси иш жараёнида бевосита ёки билвосита адолатсизликка учраган деганидир.

Барчамизга маълумки, тиббиёт соҳаси билан боғлиқ харажатлар давлат бюджети ҳисобидан қопланади. Зеро, иш ҳақи, мукофот ва бошқа тўловлар масаласида ушбу тизимда муаммо бўлиши мумкин эмас. Шунга қарамасдан ўтган 12 ой давомида ҳар 22 нафар ходимдан биттаси, яъни 1 минг 345 нафари касаба уюшмаларига ижтимоий-иқтисодий томондан қийналаётганлигини билдиргани, 3 минг 340 нафари моддий ёрдам сўрагани тизимда тезкорлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган тушунмовчиликлар борлигидан далолатдир. Аниқроқ айтганда, шифокорлар ва техник ходимларга нисбатан муносабат янгича дунёқараш ва ислоҳотларни талаб этади.

Агарда тўғридан-тўғри касаба уюшмаларига келиб тушаётган мурожаатлар қаторига вазирлик, маҳаллий ҳокимиятлар, ҳуқуқ-тартибот идораларига йўлланган ариза ва шикоятларни, андиша қилиб ҳеч бир ташкилотга жўнатилмаган – ходимнинг ичида қолиб кетган мурожаатларни ҳам қўшадиган бўлсак, бу рақамлар яна ортиши шубҳасиз. Ваҳоланки, тиббий соҳадаги ҳисоботларга, амалга оширилган ишлар кўламини баён этадиган бошқа ҳужжатларга эътибор қаратилса, ҳаммаси рисоладагидек акс эттирилгандек. Тизим ичига чуқурроқ кириб бораверсангиз аксарият расмий ҳужжатлар хўжакўрсинга тўлдирилаётганига, ўзибўларчилик, оворагарчилик, таниш-билишчилик кундан-кунга авж олиб кетаётганлигига гувоҳ бўлишингиз табиий. Ачинарлиси, бу каби муаммолар катта-катта шаҳарлардан тортиб, энг чекка ҳудудларни ҳам қамраб олган.

Биз тизим вакилларидан тармоқ ходимлари касаба уюшмасининг Навоий вилояти кенгашига, кенгаш тасарруфидаги бошланғич ташкилотларга ҳамда меҳнат инспекторлари номига келиб тушаётган мурожаатларга эътибор қаратдик. Энг муҳими, касаба уюшмалари фаолларининг тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган аксарият ташкилотлар, қўли енгил шифокорлар билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатганига, ҳамиша ҳамқадам, ҳамнафас эканлигига яққол гувоҳ бўлдик. Йил давомида келиб тушган мурожаатларнинг 9 минг 908 таси қаноатлантирилгани, унинг 1 минг 285 тасига тушунтиришлар берилганлиги касаба уюшмаларининг адолатли фаолиятидан дарак беради, албатта.

Феруза РАҲИМОВА,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилояти кенгаши раиси
Нормурод МУСОМОВ
«ISHONCH»

Тошкент вилояти

Ҳамкорлик

КАСАБА УЮШМАСИ КЎМАККА ШАЙ

Бўстонлиқ туманидаги «Osborn Textile» қўшма корхонаси томонидан бир ойда 750-800 тоннагача бир неча хил калава иплар ишлаб чиқарилаётир. Эътиборли жиҳати, маҳсулотларнинг 85 фоизи чет давлатларга, жумладан, Австрия, Озарбайжон, Болгария, Хитой, Италия, Венгрия, Чехия каби яна 40 дан ортиқ мамлакатларга етказиб берилмоқда.

– Бу корхона Ўзбекистонга биринчилардан бўлиб меланж калава ипларини олиб кирган қўшма корхоналардан бири ҳисобланади, – дейди режалаштириш бўлими иқтисодчиси, касаба уюшмаси раиси Ғофур Дўстжонов. – *Асосан хом, меланж ва бўялган калава иплар ишлаб чиқарамиз. Дарвоқе, маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотлар билан ҳам шартномамиз бор. Улар асосан экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун бизга харидор бўлишади.*

Бугунги кунда корхонада 800 нафарга яқин ишчи-ходим меҳнат қилаётир. Уларнинг барчаси касаба уюшмасига аъзо. Маъмурият ва касаба уюшма ўртасида жамоа шартномаси ҳам имзоланган. Унинг бандларига ўз салоҳиятимиздан келиб чиқиб, ўзгартиришлар киритганмиз.

Ходимларнинг дам олишлари, фарзандларининг оромгоҳларга юборилиши, турли тадбирлар ўтказиш ва моддий ёрдамлар ажратилиши тизимли йўлга қўйилган.

Шу кеча-кундузда 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар сони 253 нафарни ташкил қилади. Улар орасида олий таълим муассасаларида таҳсил олаётганлар, ёш оилалар, ижтимоий кўмакка муҳтож бўлганлари ҳам бор. Касаба уюшмаси томонидан улар ҳамиша қўллаб-қувватланади.

Ишлаб чиқариш жараёнига келсак, бизда асосан пахта, полиестер, бамбук, акрил, жун ва турли бўёқлар билан ишланади. Ишчиларнинг соғлигини ўйлаб, уларга мунтазам равишда сут-қатиқ маҳсулотлари бериб борилади ва албатта улар махсус кийим-бош билан таъминланади.

Юқорида айтилганидек, 40 дан ортиқ давлатга ўз маҳсулотларини экспорт қилаётган корхона келгусида бундай ҳамкорликлар сонини янада оширишни режалаштирган. Шунингдек, қўшимча дастгоҳлар олиб келиш, маҳсулотлар тури ҳамда сифатини янада юксак даражага олиб чиқиш ва албатта ишчи-ходимлар сонини ошириш «Osborn Textile»нинг бирламчи мақсадлари сирасига киради.

Нигора РАҲИМЖОНОВА

Бухоро вилояти

Сарҳисоб

ҲАМИША ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгашининг VI мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгаш фаолиятининг 2023 йил якунлари ва 2024 йилнинг устувор йўналишларига бағишланган мазкур йиғилишда барча даражадаги касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, аҳолининг кам таъминланган, эҳтиёжманд қатламларини ҳимоя қилиш соҳаларида муайян ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

Жумладан, «Ўзбекистон – 2030» стратегиясининг мазмун-моҳиятини меҳнат жамоаларига ва кенг жамоатчиликка етказилишида барча бўғиндаги касаба уюшмалари ташкилотларининг фаол иштироки таъминланди. Вилоятдаги 553 та меҳнат жамоасида стратегия мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказилиши бўйича тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун лойиҳасига меҳнат жамоаларида таклифлар бериш бўйича муҳокамалар олиб борилди. Ушбу тадбирларда бошланғич ташкилотлардан 125268 нафар касаба уюшма аъзоси фаол қатнашди.

«Аёллар дафтари» тизими доирасида ишлашнинг 4 босқичида вилоят бўйича 60 минг 44 нафар хотин-қиз рўйхатга киритилган бўлиб, 59 минг 913 нафарининг (99,8 %) муаммолари тўлиқ ечилди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириқларидан келиб чиққан ҳолда вилоятни хотин-қизлар ўртасида ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш бўйича ўтказилган суҳбатлар натижасида 4866 нафар хотин-қиз ишлаш истагида экани аниқланди. Уларнинг бир қисми доимий ишга, 1139 нафари мавсумий ва вақтинча ишларга тортилди. 2009 нафари эса ёрдам ва субсидиялар асосида ўз-ўзини банд қилди. 273 нафар тадбиркорлик қилиш истагини билдирган хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилди. 558 нафар хотин-қиз касб-ҳунарга ўқитилиб, ишга жойлаштирилди.

Статистик ҳисоботларга кўра, жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун вилоят бўйича ўрта ҳисобда бир ходимга йил давомида сарфланган маблағ 4 млн. 454 минг 200 сўмдан иборат бўлди. Ҳисобот даврида жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар жами 181 тани ташкил қилиб, шундан 61 таси ёзма, 112 таси электрон, 5 таси оғзаки, 3 таси ишонч телефони орқали келиб тушган мурожаатлардир. Мурожаатларни кўриб чиқиш натижасида 127 нафар ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари қайта тикланди.

Ёз мавсумида 11 та болалар соғломлаштириш оромгоҳида 7 минг 260 нафар ўғил-қиз мароқли дам олдирилди.

Жамоа шартномалари ва тармоқ келишувларига киритиш орқали «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қиламиз!» шиори остида 28304 нафар ходим ҳамда уларнинг оила аъзоларининг, шундан 15279 нафарининг вилоят ҳудудидаги диққатга сазовор қадамжоларга, 13025 нафарини тарихий шаҳарларга саёҳатлари ташкил этилди.

Ходимларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказишлари, уларни маънавий озуқа олишлари, бой маданиятимиз ва тарихий меросимиз билан яқиндан таништириш мақсадида 3330 нафар касаба уюшма аъзоси концертларга, 2173 нафарини музейларга ва 4150 нафари театрларга, шунингдек, ҳисобот даври давомида тармоқ касаба уюшмалари ходимларининг 220 нафар фарзандларини қўғирчоқлар театрига ҳамда 160 нафарини цирк томошаларига ташрифи уюштирилди.

Амалга оширилаётган бу каби чора-тадбирлар жамиятимиздаги ҳар бир тизим, ҳар бир бўғинда «инсон манфаатлари устун» тамойилига амал қилинаётганидан далолатдир.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

Қорақалпоғистон Республикаси

Жамоатчилик назорати

ТОПШИРИҚ ВА ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

Амударё ҳамда Қораўзак туманларида «Аёллар дафтари»нинг бешинчи босқичи юзасидан маҳаллалардаги хатлов ишлари якунлари жамоатчилик назорати асосида ўрганилди.

Ўрганиш давомида аниқланган камчиликлар юзасидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгаши раиси У.Жалменов, Амударё тумани ҳокими С.Хожаметов ҳамда Қораўзак тумани ҳокими У.Утамбетов иштирокида танқидий-таҳлилий йиғилишлар бўлиб ўтди. Уларда сектор раҳбарлари, ҳоким ўринбосарлари, маҳалла раислари, хотин-қизлар фаоллари ва тегишли мутасаддилар иштирок этишди.

Ҳар иккала йиғилишда амалга оширилган ишлар муҳокама қилиниб, масъуллар жиддий танқид остига олинди. Йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, шунингдек, «Аёллар дафтари»нинг бешинчи босқичига киритиладиган хотин-қизлар рўйхатини шакллантириш ҳамда «Индивидуал дастур»ларни ишлаб чиқиш юзасидан тегишли топшириқ ва тавсиялар берилди.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

Фарғона вилояти

Ички туризм

САЁҲАТНИНГ ГАШТИ ЎЗГАЧА

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши томонидан бир сафда бирлашган аъзоларни турли гўшаларга саёҳатга олиб бориш одат тусига айланган.

Саёҳатчилар бу гал Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги Амирсой, Чимён дам олиш масканларида ҳордиқ чиқардилар.

Мазкур саёҳатга тармоқ тасарруфидаги корхоналарда меҳнат қилаётган фаол ходимлар таклиф этилди. Қишки саёҳатнинг гашти ўзгача бўлади. Шунинг учун аъзоларнинг таклифидан келиб чиқиб, Чимён дам олиш маскани танланди. Ишонч билан айтиш мумкинки, бу саёҳат уларга жуда ҳам манзур бўлди.

Зоҳиджон ҚОДИРОВ,
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши раиси

Мулоҳаза

АТОМ КУЧИНИ ЎТИН ЁРИШГА САРФЛАМАЙЛИК!

Бир ривоятда айтилишича, подшоҳ ҳузурига антиқа ҳунари бор йигитни келтиришади. Йигит игнани отиб, кўзидан ип ўтказади. Барча ҳайратда қолади.

– Буни ўрганишга қанча вақтинг кетди? – дея сўрайди подшоҳ.

– Ўн йил.

– Унга ўн танга беринглар ва ўн дарра уринглар, – амр қилади подшоҳ. Йиғилганлар ҳайрон бўлишганини сезиб, тушунтириш беради. – Бу йигит ўн йил умрини илму маърифатга бағишлаганида ўзи учун ҳам, бошқалар учун ҳам фойда келтирган бўларди...

Кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларни кузатсам, ҳар гал шу ривоят ёдимга тушаверади. Тўғри, кўплаб ҳазил-мутойибаларни ўқиб, чизилган расмлар ва айрим вайнларни кўриб, муаллифлар иқтидорига қойил қоламан. Аммо бироздан сўнг хаёлимдан «Эсиз, ҳайф бўлаётган истеъдод» деган фикр кечади. Шунча маҳорат эзгу ишларга, янгиликларга, ихтироларга сарфланганида, юртимиз анча тараққийлашган бўларди.

«Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарфлаш керак эмас», деб ёзган эди Абдулла Қаҳҳор. Бу фикрни нафақат қаламкашларга, балки барча истеъдодларга нисбатан қўллаш мумкин. Истеъдоддан тўғри фойдаланиш эса инсондан алоҳида қунт ва интизомни талаб қилади. Бинобарин, истеъдод ўзига хос нарсаларни яратибгина қолмай, жамиятда ўз ўрнини топиши ва мақсадларига эришиш, умумманфаатлари учун ҳам хизмат қилиши керак.

Пайғамбаримиз фойдасиз илмдан паноҳ сўраб дуо қилар эканлар. Зеро, жамиятга наф келтирмайдиган илм зулм ва залолатдир. Биз илмли аждодларимиз закоси туфайли бугунги дориламон замонда яшаяпмиз. Бироқ ўзимиз авлодларга бундан-да яхшироқ шароитлар яратиб бериш учун нималар қиляпмиз?

«Қийин даврлар кучли инсонларни етиштиради. Кучли инсонлар енгил даврларга сабаб бўлишади. Енгил даврлар заиф инсонларни келтириб чиқаради» деган донишмандона фикр мағзини чақишимиз осон бўлмаяпти. Шундоқ ҳам қисқа умрни бемаъниликларга сарфлаб, беқадр ҳам қиляпмиз. Ваҳоланки, шоир айтганидек, ёшлик зангор фасл, кечар сарғаяр. Бунақада ниначига ўхшаб, қишда кимдан кўмак олишни билмай қолмаймизми?

Яқинда нуфузли ташкилотлардан бири китобхонликни тарғиб қилувчи видеороликлар танловини эълон қилди. Аммо қатнашишга талабгорлар бўлмагани туфайли у ўтказилмай қолди.

Чиндан-да китобхонликни ҳар қанча тарғиб қилмайлик, унинг оммавийлашишига эришолмаяпмиз. Боиси, кўпчилик нега китоб ўқиш кераклигини ҳали ҳам англолмаяпти. Баъзи кишилар «Ҳамма нарса Интернетда бор-ку, ортиқча жон қойитишнинг нима кераги бор?» дейишади. Бундай фикр исканжасидаги инсонлар ўз келажакларини хатарга қўйишаётганини билишармикин?

Аслида инсон мияси ҳам тана кабидир. Камҳаракатлилик вужудга қандай зиён етказса, фикри ожизлик ҳам мияга шунча зарар келтиради. Ишлатилмаган пичоқ ўтмаслашганидек, мия ҳам фикрламаса, заифлашади. Бугун 50-60 ёшдан ошганлар эмас, 20 ёшдагилар ҳам хотираси пасайиб кетганидан шикоят қилишади. Ваҳоланки, уларнинг хотираси пасаймаган, шунчаки ижтимоий тармоқларга ружу қўйишгани туфайли фикрлаши сусайган. Атрофга эътиборсизлик уларни шу кўйга солган.

Инсон бошқа жонзотлардан тараққиётга интилиши билан фарқланади, дейдилар. Биз, ростдан ҳам, тараққиётга интиляпмизми? Тараққиёт маҳсулотларидан ўз ҳузур-ҳаловатимиз учун фойдаланишимиз биз тараққий қилаётганимизни англатмаса керак, ҳар қалай.

Сунъий интеллект ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб келмоқда. Биз пахтани ким териб олишини муаммо қилиб ўтирган пайтимизда ривожланган давлатларда роботлар ноёб жарроҳлик амалиётларини бажармоқда. Уларни илмли инсонлар ихтиро қилмоқда. Нима, бизда янгилик яратишга қодир ёшлар камми? Нега уларни танимаймиз? Жамиятга бир тийинлик нафи йўқ вайнерларни таниймиз-ку! Улар учун керак бўлса, маблағимизни ҳам аямаймиз-ку! Аммо илмли ёшларга нега беписандлик билан қараймиз? Қўллаб-қувватлаш ҳақида нега бош қотирмаймиз? Ахир «Менинг бобом Беруний» деб минг марта такрорлаганимиз билан ўзимиз Беруний бўлиб қололмаймиз-ку...

Қайсидир хорижлик Ўзбекистон ҳақида танқидий фикр айтса, «Нима деяпсан, бизнинг тарихимизни биласанми ўзи?» деб баланд келамиз. Улар тарихимизни билмасликлари мумкин, аммо бугунимизни билишади-ку. Шу боис бизга олимларнинг авлоди деб эмас, арзон ишчи кучи етказиб берувчи мигрантлар мамлакати деб қарашади. Бундай қараш нафсониятимизга тегадиган бўлса, нима учун илм-маърифатни ривожлантириш учун барчамиз бирдек якдиллик билан ҳаракат қилмаймиз. Бу борада барча масъулиятни давлат зиммасига юклаб қўйиш қанчалик тўғри?

Атрофимизда иқтидорли ёшлар ниҳоятда кўп. Фақат уларнинг аксарияти ўзларини қандай намоён этишни билмайди. Устига-устак, атрофдагилар қўллаб-қувватламаслиги оқибатида ярқ этган учқун сўнади. Кимдир маблағи йўқлиги, кимдир дангасалиги, кимдир мақсадни тўғри ололмагани ёки маишатпарастлиги туфайли иқтидорини йўққа чиқаради. Ўзлигини намоён қилишга имкон тополмайди. Аммо кўпчилик бунинг учун муҳитни айбдор қилади. Атрофдагиларни баланд даражага олиб чиқишдан кўра, авом даражасига тушиш осонроқ-да.

Жамиятда хайр-саховат қилиш кўникмаси оммабоп эмас. Биз на солиқ тўлашни ёқтирамиз, на бировга кўмак беришни. Автомашинамизга фалон сўмлик рақам олишимиз мумкин, аммо фарзандимизга 18 минг сўмга китоб олиб бериш малол келади. Бундай вазиятда маҳалламиздаги иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳақида гапириш ортиқча.

Ёшлигимизда инсонларни илмига, иқтидорига қараб ҳурмат қилишарди. Билимли инсонлар давралар тўрида ўтирарди. Уларни меҳмонга чақириб, суҳбатларини олиш урф эди. Ота-оналар фарзандларини олим инсонлар билан таништиришни хуш кўришарди. Фалончи олим билан кўришганман деб фахрланиб юришарди. «Билаги зўр бирни енгар, билими зўр мингни» деган мақолнинг қадри баланд эди. Ҳозир-чи?.. Кимдир маҳалласидан, қишлоғидан, туманидан чиққан олимларни таниймидими?

Бугун чўлланиш, экологик муаммолар тобора бўй кўрсатяпти. Уларга қарши илмий чоралар кўряпмизми? Инсон яшаб қолиши учун янги-янги ресурсларни ўйлаб топиши керак бўляпти. Бу жараёнда бизнинг иштирокимиз қандай?

«Одамларнинг яшаш шароити яхши эмас, қандай қилиб илм ҳақида қайғурсин?» дейишга ошиқманг. Ҳиндистондан қанча илмли инсонлар етишиб чиқяпи. Улар ўзлари яшаётган муҳитдан қониқмагани учун, ўша муҳитни яхшилаш учун илм ўрганяпти.

Унутмайликки, жамиятимиз тараққий этиши учун илмли инсонларни халққа кўпроқ таништириш, шу тариқа ёшларда илмга рағбатни кучайтириш, ҳамма нарсани пул орқали баҳолашга барҳам беришимиз керак. Мен бу фикрларим билан мамлакатимизда илм қўллаб-қувватланмаяпти, илмга интилиш мутлақо йўқ демоқчи эмасман. Фақат заруратга нисбатан камлигини, фойдали илмлар қолиб, мантиқсиз нарсаларга кўп вақт сарфлаётганимизни, илмни увол қилаётганимизни эслатиб қўймоқчиман, холос. Бунинг товонини тўламасдан олдин, хатоларни тўғрилаш чорасини кўриш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»

Долзарб мавзу

КОРРУПЦИЯ ЙЎҚОТИБ БЎЛМАС ИЛЛАТ(МИ?)

Коррупция – дунё миқёсидаги муаммо. У сабаб мамлакат ривожланиши сусаяди, бошқарув тизими издан чиқади, демократик институтларга путур етади. Бу иллат барча тизимга, жумладан, қонун устуворлигига салбий таъсир кўрсатади. Оқибатда аҳолининг қонун устуворлигига, адолатга, давлат органларига ишончи сусаяди ёки умуман йўқолади.

Коррупциянинг порахўрлик, мижозизм, лоббизм, фаворитизм, қариндош-уруғчилик, шахсий манфаат учун давлат маблағларидан фойдаланиш каби турлари мавжуд. Унга мавжуд иқтисодий институтларнинг мукаммал эмаслиги, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви, ресурслар устидан давлат назоратининг ортиқча кучайиши, баъзи тармоқларнинг монополлашуви, рақобатнинг заифлиги кенг йўл очади.

Коррупцияга аҳолининг қашшоқлиги, иш ҳақининг пастлиги, ишсизлик, озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларининг қиммат-лиги, уй-жой муаммоси, бир шахсга чексиз ваколатлар берилиши, аҳолининг бефарқлиги, ҳуқуқий билимнинг пастлиги, мансабдор устидан назоратнинг сустлиги ёки умуман йўқлиги каби омиллар ҳам шароит яратади. Шу сабаб иқтисодий ва сиёсий коррупция бошқа турлардан кўра кўпроқ учрайди.

Коррупция даражаси 0 дан (идрок этилаётган коррупциянинг максимал даражаси) 100 гача (коррупция сезилмайди) баллда ўлчанади. Ўлчов усуллари ичида энг кенг тарқалгани (Transparency International ташкилотининг коррупцияни қабул қилиш индекси, Жаҳон банкининг коррупция моторинг индекси) коррупцияни идрок этишни баҳолашдир. Бу усул мамлакат экспертлари ва аҳоли орасида мамлакатдаги коррупция ҳолати тўғрисида сўров ўтказишни ўз ичига олади. Бундай ўлчов 1995 йилдан буён дунё бўйлаб ҳар йили амалга оширилмоқда.

Transparency International ташкилотининг коррупцияни қабул қилиш индексида Ўзбекистон 126-ўринда қайд этилган. Албатта, бу – қониқарсиз натижа! Мамлакат экспертлари ва аҳоли орасида мамлакатдаги коррупция ҳолати тўғрисида ўтказиладиган сўровга жиддий ёндашиш зарур. ОАВда «Ижтимоий фикр» марказининг Ўзбекистон аҳолисининг 87,05 фоизи ўзини бахтли ҳисоблаши ҳақидаги маълумотига кўпчилик ишонмади. Тўғриси ҳам, нархлар, солиқлар ошаётган, ҳаво ифлосланаётган, монополия кучаяётган, халқ пуллари талон-торож бўлаётган, ишсизлик масаласи ўз ечимини етарлича топмаётган бир пайтда юзага келган аҳволдан қониқиш ҳосил қилиш мумкинми?

Ўзбекистонда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилиши нимадан дарак? Мамлакатда коррупцион ҳаракатларга қарши курашиш талабидан-да албатта. Масалан, бир вазирлик мамлакат аҳолиси ишсизлигини камайтиришга, камбағалликни қисқартиришга йўналтирилган бўлса, иккинчиси коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси мамлакатда коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилишдир.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишда қонунчилик асосларини такомиллаштириш, давлат органларининг, жамиятнинг очиқлигини таъминлаш, ахборотлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш йўлида бир қатор ишлар амалга оширилди. Аммо қонун етарли даражада ишламаса қандай қилиб хотиржам тортиш мумкин. Шундай экан, «коррупция ҳақида қонун қабул қилинди, энди ҳаммаси изига тушиб кетади», деб ўйлаш, хотиржамликка берилиш катта хато бўлади.

Коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашишни биз, энг, аввало, ўзимиздан бошлашимиз зарур. Бунинг учун эса шахснинг ҳуқуқий онги ва маданияти етарли даражада шаклланиши керак.

Унга қарши курашиш йўллари ва усуллари ҳақида гап кетганда, экспертлар ҳамда оддий аҳолининг фикри бир-бирига мос келиши лозим. Мазкур иллатнинг олдини олиш, унга қарши курашиш жуда хилма-хил эканига қарамасдан, биз ҳам коррупцияга оид маълумотлардан келиб чиқиб, баъзи таклифларни илгари сурмоқчи эдик.

Энг аввало, фарзандларимиз ёшлигиданоқ коррупциянинг ёмон иллат эканини ўрганиб бориши даркор. Мамлакат бошқарув жараёнида жамоатчилик назорати ва оммавий ахборот воситалари иштирокини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Коррупцион ҳолатлар учун жазо кучайтирилиши, коррупцияга йўл қўйган шахслар ҳеч қачон раҳбарлик лавозимларига тайинланмаслиги шарт. Раҳбар шахсларнинг танлов асосида ишга олиниши ҳам самара бериши мумкин. Энг асосийси, аҳолининг ҳуқуқий билими, жипслиги ҳамда қонунларга итоаткорликни таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Аммо бир нарса аёнки, коррупцияни йўқотишни истасак, унга қарши бирлашган ҳолда курашишимиз лозим. Албатта, коррупцияга қарши курашни оммалаштириш анча мушкул вазифа. Аммо бунинг уддасидан чиқсак, жамиятимизда бундай иллат ўз-ўзидан барҳам топади ва Ўзбекистон коррупциясиз мамлакат мақомига эришади.

Рўзмат ТОЖИМУРОДОВ,
шифокор,
Умид ТОЖИМУРОДОВ,
ҳуқуқшунос

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

ЭЛЕКТРДАН ФОЙДАЛАНИШДА ШАРТНОМА ТУЗИЛИШИ ШАРТМИ?

САВОЛ: Янги қурилган уйдан сотиб олинган хонадонга кўчиб киганимизда электр тармоғига уланган экан. Электр таъминоти ҳақида шартнома тузмаганмиз, лекин электр энергиясидан фойдаланганлик учун пулини тўлаб келяпмиз. Ҳаракатимиз қонунбузарлик ҳисобланмайдими, бу ҳолатни расмийлаштириш тартиби қандай?

Шаҳодат РАЗЗОҚОВА
Самарқанд шаҳри

ЖАВОБ: Амалдаги қонунчиликка биноан энергия таъминоти билан боғлиқ масалалар шартнома асосида тартибга солинади. Хусусан, энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали абонент (истеъмолчи)га энергия бериб туриш мажбуриятини олади, абонент эса қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш, шунингдек, шартномада назарда тутилган энергия истеъмол қилиш тартибига риоя этиш, тасарруфидаги энергетика шохобчаларидан фойдаланиш хавфсизлиги ҳамда ўзи фойдаланадиган энергия истеъмол қилувчи асбоб-ускуналарнинг созлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

Энергия таъминоти шартномаси энергия билан таъминловчи ташкилот тармоқларига қонунчиликда белгиланган тартибда уланган энергия қурилмаси, шунингдек, энергия истеъмолини ҳисобга олиш ускуналари ва асбоблари мавжуд бўлган абонент билан тузилади. Шартноманинг муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида ариза бермаса, у шартномада назарда тутилган муддат ва шартларда узайтирилган ҳисобланади. Шартнома янги муддатга узайтирилганида унинг шартлари тарафлар келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

Шартномага мувофиқ энергиядан турмушда фойдаланадиган фуқаро абонент бўлган тақдирда, абонент тармоққа белгиланган тартибда амалда биринчи марта уланган пайтдан бошлаб у билан шартнома тузилган ҳисобланади. Шу сабабли сизнинг ҳаракатларингизда ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд эмас.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази жамоаси шифокор-нейрохирург Ботиржон Умерсериговга волидаи муҳтарамаси

Бибиажар ая УМЕРСЕРИГОВА

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Китоб жавонингизга

«ПИЧИРЛАНГАН СИРЛАР»НИНГ СИРИ

«Эй одамлар, биласизми, танангизнинг саксон фоизи мендан иборат. Агар танангизда икки фоизгина камайсам, ақлингиз сустлашишини биласизми? Билмасангиз билиб қўйинг, мени асранг, тежанг, оқилона фойдаланинг мендан».

Фурқат Алимардоннинг «Пичирланган сирлар» (Тошкент, «Академнашр», 2023) китобидан олинган бу жумлалар «Сувнинг инсониятга мактуби» орқали баён этилади.

Сув – бу ҳаёт. Усиз тириклик бўлмайди. Ҳозирда юртимизда сув муаммосига йўл қўймаслик, уни тежаш бўйича қатор лойиҳалар амалга ошириляпти. Бир томчисини ҳам исроф қилмаслик учун тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориляпти. Томчилатиб суғориш тизими жадаллик билан йўлга қўйилмоқда.

Ана шундай шароитда сувнинг қадрини, аҳамиятини, уни беҳуда исроф қилмасликни, муҳими, бир томчисини ҳам увол қилмасликни тарғиб қилувчи асарлар ўз самарасини беради, албатта. Ёзувчи китобда бутун инсониятни ташвишга солаётган сув муаммосини ҳаётнинг турли жабҳалари ва шахслари тақдирига уйғун ҳолда баён этади. Сувсиз қолган Оролнинг қайтиши энди бийдай сахрога тикилиб ўтирган Наринбетнинг чексиз хаёлларида бўй кўрсатади. Ярим аср аввал бола пайти Мўйноқдаги балиқ комбинатида ишловчи отасининг дўстлари моторли қайиқда уни денгизни сайр қилдиргани, бу унга ёқиши, вақт ўтгани сайин денгизнинг қуригани мисол бошидан ўтган синовлар юзида чизиқ тортиши, сувсизликка маҳкум бўлиб бораётган бу жой кўнглидаги яраларини тирнаши бугуннинг аччиқ ҳақиқати сифатида намоён бўлади.

Бош қаҳрамон Орифнинг асосий мақсади мамлакатдаги сув муаммосини ҳал этиш. У оилали бўлса-да ишхонасида Барно исмли эри вафот этган аёлга кўнгил бериши, болалигида томорқани суғориш учун сув талашгани, ҳозир ҳам одамлар сув учун жиққамушт бўлаётгани, чигал тақдирлар, чигал ҳаёт ва аччиқ ҳақиқатлар унинг мамлакатдаги сув муаммосини ечиш хаёли билан қоришиб кетади.

Муаммони ечиш учун Ориф «Янги Жайҳун» лойиҳаси доирасида Сибирдан канал қазиб сув келтириш ғоясини илгари суради. Лойиҳани сув муаммоси билан боғлиқ халқаро конференцияда маъруза қилганда халқаро экспертлар бир овоздан қўллаб-қувватлашини, орзуси ушалишини, мамлакат обод, диллар шод бўлишини истайди. Бу истакни эса қисса ниҳоясида лаблари беихтиёр пичирлаб ташига олиб чиқади...

Доно халқимизда сув келтирган элда азиз, деган нақл бор. Асар сувни тежаш, ундан тўғри фойдаланиш билан бирга, соҳа олимларига ҳам муаммо янада каттариб кетмасидан олдини олиш учун ишора бераётгандек гўё.

Умуман олганда, юрт ободлиги, дастурхонимиз тўкинлиги, тириклигимиз сабабчиси бўлган сувдан унумли фойдаланиш билан бирга, уни қандай келтириш, бошқариш борасидаги қимматли фикрлар жам бўлган китоб бугун қўлимизда. Бу билан ёзувчи Фурқат Алимардонни табриклаймиз ва келгуси ижодига омадлар тилаб қоламиз.

Салим АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»

Орамиздаги одамлар

ҚУМДАН ЗАР ЯРАТА ОЛАДИГАН ЧЎПОНЛАР

Чўлнинг ёз саратонидаги иссиғи, қиш чилласидаги совуғи нималигини ўша ҳудудларда яшайдиганлар яхши билишади. Тасаввур қилинг: чор атрофингиз қумлик, танҳо уй, қўни-қўшни йўқ, дардкашингиз фақат қўй-қўзилар. Анави қўрага қишда бўри «меҳмон» бўлса, ёзда чаён ва илонлар шу ердан соя излайди. Чўпонлар ана шундай шароитларда яшашга кўникишган. Буни ўзига хос турмуш тарзи сифатида қабул қилишган.

Қашқадарё вилояти чўлларида қўним топган Абдиҳофиз Сариқулов ҳам ана шундай инсонлардан бири. Мен у киши билан суҳбатлашишга аҳд қилдим. Шу мақсадда сафарга отландим. Йўл узоқлиги боис кўзланган манзилга кун ботгандан сўнг етиб бордим. Абдиҳофиз ака ва турмуш ўртоғи мени хуш кайфият билан қарши олишди. Сўнгра печкага олов ёқиб, дастурхон тузашди. Учовлон бир пиёла чой устида суҳбатлашдик.

– 15 йил муқаддам бу ерга кўчиб келишимиздан бир кун олдин чайлани тиклаб, устини ёпиб кетгандим, – деб эслайди мезбон ортда қолган даврларни. – Эртаси куни отам, онам, аёлим ва 13 кунлик қизалоғимни олиб келгач, не кўз билан кўрайки, чайланинг ёғочларини кимдир ўмариб кетибди. Шу боис анча қийналганмиз, вазиятга мослашгунча роса асабийлашганмиз... Ҳа, айтганча, дастлаб қўйларимиз атиги 9 бош эди, ҳозир уларнинг сони беш юзтага етди. Ҳалол меҳнатим орқали топган даромадим эвазига шаҳарда уй қурдим, машина олдим. Эндиликда эса, бизга ўхшаб қийналмасликлари учун болаларимни шаҳарда ўқитяпман.

Бу гапларни тинглаётганимда, Абдиҳофиз аканинг эгнидаги қалин кийим эътиборимни тортди. Айтишларича, бу либос одамни қишда совуқдан, ёзда иссиқдан сақлар экан. Масалан, ёз жазирамасида уни кийиб бир терлаб олсангиз, кейин салқингина бўлиб юрар экансиз.

– Биз йилнинг тўрт фаслида ҳам қўйларни бирдек назорат қилиш ва асраб-авайлаш пайида бўламиз, – дея сўзида давом этди Абдиҳофиз ака. – Чунки тўдадан ажралиб ёки чуқурларга тушиб қолган қўйларни бўри ва чиябўрилар еб қўяди. Улар гоҳида қўралар ичига ҳам кириб, қўйларга ҳамла қилади. Бундай хавфлардан имкон қадар холи бўлиш нияти да бир нечта ит боқаман. Чунки бу жонзотлар чўпон аҳлининг энг яқин дўсти ҳисобланади. Улар гоҳида молларни ўзлари боққан ёки тўдадан олдинга ўтиб кетганларини қайтариб келган пайтлар кўп бўлади. Мавриди келганда, яна бир гапни ҳам айтиб ўтай. Сўнгги бир неча йил мобайнида иқлим анча қуруқ келди. Оқибатда чорвабоп ўт-ўланлар кескин даражада камайиб кетди. Агар йил яхши келса, қўйлар сонини янада кўпайтирамиз. Қолаверса, ҳудудимиз деҳқончилик билан шуғулланишга анча қулай бўлгани сабабли полиз экинлари ва сабзавотлар етиштиришга ҳам жиддий эътибор қаратамиз. Шу тариқа ҳам ўз рўзғоримизни, ҳам эл дастурхонини турли-туман ноз-неъматлар ва гўшт маҳсулотлари билан тўкин-сочин қилишга баҳоли қудрат ҳисса қўшамиз.

Абдуҳофиз аканинг мамнуния ила таъкидлашича, чўпонларнинг аксарияти жисмонан соғлом ва бардам-бақувват бўлиб, шифокорларга кўп ишлари тушмайди, дори воситаларини ҳам деярли истеъмол қилишмайди. Сабаби, улар қўйларни боқиш жараёнида ҳар куни 25-30 километр масофани пиёда босиб ўтишади. Бундан ташқари, асосан қўлдан тутилган балиқ ва барра қўй гўштларидан чўлда ўсган шифобахш гиёҳлар қўшиб тайёрланган таомларни, туя ва эчки сутларини истеъмол қилишади. Кенг адирликлар бағрида тоза-мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олишади.

Ана шунинг учун Абдиҳофиз ака сингари чўпонлар талай қулайликларга эга, аммо охирги пайтларда ҳавоси тобора ифлосланиб бораётган катта шаҳарлардан кўра, ўзи туғилиб ўсган қишлоқда яшашни, кенг ва бепоён қир-адирлар бағрида чорва моллари боқиб, кун кечиришни афзал билишади.

– Биз кундалик эҳтиёжимиз учун зарур маҳсулотларнинг деярли барчасини ўзимиз етиштирамиз, – дея суҳбатга қўшилади хонадон бекаси Чарос опа. – Масалан, мен ўттизта товуқ ва бир нечта мол боқаман. Улардан олинган тухум, сут, қатиқ, сузмаларни, шунингдек, томорқамизда етиштирилган полиз маҳсулотларини бозорга чиқариб сотаман. Бундан ташқари, «Эр-хотин – қўш ҳўкиз» деган нақлга амал қилиб, тирикчилик юкини тортишда турмуш ўртоғимга қўлимдан келганича ҳамкор бўлишга ҳаракат қиламан. «Бу эркакнинг, бу аёлнинг иши», деб қараб ўтирмайман. Ёзда қиш учун салкам 3 минг боғ янтоқ чопишда, хашакларни том устига чиқариб, ғарамлашда кўмаклашаман...

Дарвоқе, қишлоқ аёлларининг кўпчилиги гўзаллик салонига бормайди, ясама киприк, тирноқлар уламайди ёки «бутик» расталарини айланмайди. Улар нон ёпиш ва овқат пишириш, меҳмон кутиш ва кир ювишдан ташқари, қорамол ва қўй боқишади, далада ва томорқада кетмон чопишади. Заруррат туғилганда, лой қориб, девор сувашади. Лекин ҳеч қачон ҳаётларидан нолишмайди. Уларнинг тимсолида ҳақиқий ўзбек аёлларининг ўз оила аъзоларига бўлган чексиз садоқатини, яқинларига меҳр-оқибатини кўриш мумкин.

Сафарим қариб, ортимга қайтарканман, чўпонлар қумдан зар ярата олиши, бу касб эгаси бўлишни истаган инсон қўйнинг туёғидек қаттиқ бўлиши керак, деган гаплар ростлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

Мадина ПЎЛАТ қизи
«ISHONCH»

Кузатиш

ЖУРНАЛИСТ БЎЛИШ ОСОН ЭМАС...

Мен 2020 йилгача санъаткор бўлишни орзу қилардим. Коллежда ҳам шу йўналиш бўйича таҳсил олганман. Қўшиқ айтиш, саҳнада роль ўйнаш озми-кўпми қўлимдан келади. Бир олам орзулар билан Термиз давлат университетининг «Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш» йўналишига ҳужжат топширдим. Афсуски, имтиҳондан йиқилдим. Ўшанда фақат назарий билимлар сўралди, аммо амалиёт, амалий билимлар ҳеч кимни қизиқтирмади. Мен эса, Гётенинг «Назария қуруқдир, дўстим, лекин яшнар ҳаёт дарахти» деган ҳикматли сўзига амал қилгандим-да...

Хуллас, ўқишга киролмагач, шаштим қайтди. Санъатга, университетда таҳсил олишга қизиқмай қўйдим. Билмадим, зиёлилар оиласида туғилганим учунми, ота-онам мендан олий маълумотли бўлишни талаб қиларди. Уларнинг истаги учун мен юртимиздаги университетлар рўйхати билан танишиб чиқдим. Аммо негадир мени чорлаётган олий ўқув юрти ҳеч «кўриниш бермасди».

Ва ниҳоят, *Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетига кўнглим чопди...*

Насиб қилса, мана шу таълим масканида ўқийман! Чунки адабиётга, шеър ёзишга қизиқаман, мактаб ва коллежда бошловчилик қилганман, сўзларни бир-бирига боғлаб, жумла тузаоламан...

Она тили ва адабиёт, инглиз тилидан пухта билим олиш мақсадида кўп қатори репетиторга қатнадим. Орадан 9 ой ўтди. Ҳаяжонли дақиқалар ҳам келди. Билимимга ишонсамда, озгина қўрқув ва ҳаяжон мени тарк этмасди. Тест саволлари тарқатилгач, ҳартугул, бироз босилдим, хотиржам тортдим. Чунки саволлар мен ўйлагандан анча соддароқ экан. Шундай бўлса-да, саволларни қайта-қайта ўқиб, тўғри жавоб танлашда шошилмадим.

Натижалар эълон қилинган куни қушдек учдим. Ахир гранд асосида ўқишга киргандим-да!. Олдимда дадам бор эди. Мендан фахрланиб, қувониб-суюниб, ўша жойнинг ўзида қариндошларимизга қўнғироқ қилиб, уларга хушхабарни етказа бошлади.

Адашмасам, ўша куни ёки эртаси куни мен минг ўйли ўйга ботдим:

Олимжон, ўқишга киришга кирдинг, табриклайман. Хўш, энди нима қиласан? Дуч келиши мумкин бўлган муаммоларни енга оласанми?..

Ўзимни ўзим руҳлантириб, қайдасан Тошкент деб йўлга чиқдим. Тураржой топдим. Энди уқиб ўқиш керак.

Бир куни ўқитувчимиз гуруҳимиздаги талабалардан нега журналистика соҳасини танлаганимизни сўради. Навбат менга етганда «шеър ёзаман, бошловчиликка қизиқаман, ёлғон гапиришни ёмон кўраман, доимо ҳақиқатни гапираман», дедим. Шунда ўқитувчи саволларга кўмиб ташлади: «Кечирасиз, шеър ёзиш бу ҳали журналист бўлади дегани эмас. Сиз, журналистикада қайси соҳа бўйича ихтисослашмоқчисиз? Қаерда ишламоқчисиз? Газеталарда мақолаларингиз чоп этилганми?..

Шу жойда жим бўлиб қолдим...

Ҳа, бу касб мен ўйлаганчалик осон эмас экан.

Илгари эшитган ёки ўқиган эдим, дарс жараёнида ҳам айтишди: «Журналистика касб эмас – қисмат. У энг мураккаб касблардан бири. Биринчи ўринда шахтёрлик, иккинчиси сапёрлик, учинчи ўринда эса журналистика». Ўқитувчилардан бири, иккинчи ўринда сапёрлик эмас, журналистика туради, деди. Билмадим, қайси бири тўғри? Муҳими, у кучли учталикка киради, тамом!

Ҳаммага ҳам ҳақиқат ёқавермайди. Айниқса, қорни тўқ, кўзи оч «каламуш»ларнинг кирдикорлари журналистлар томонидан фош этилса, уларни «чопиш»га ҳаракат қилишади. Айримлар муаммони ҳал этиш ўрнига уни кимнинг айтгани билан кўпроқ қизиқишади. Улар айбни ўзларидан қидиришмайди, аксинча, асл башараларини очган «айбдор»дан, яъни журналистдан «кир» қидиришади. Баъзан «қидирув»лар натижасида журналист туҳмат қилганликда айбдор деб ҳам топилади.

Бизга ўқитувчилар журналист танқидий фикрлай олиши, доимо ҳақиқатни ёзиши керак, деб ўргатишади. Аммо баъзи талабалар ўзлари таҳсил олаётган университет ҳақида танқидий мақола ёзиш у ёқда турсин, ҳатто танқидий фикрбилдирса ҳам, дарров кафедра ёки деканатга чақирилиб, роса «тузланади». Ғалати парадокс-а?..

Тушунмайман, бунақада талабалар мақола ёзишга қўрқиб қолишади-ку! Агар улар ёзиш тугул, айтишдан қайтарилаётган бўлса, эртага нимани ёзишади? Фақат «пахта» мақолалар билан ном қозонишадими?

Охирги пайтларда кимдир мендан «Қаерда ўқийсиз?» деб сўраса, журналистикада, деб жавоб беришга хижолат бўламан. Чунки уларнинг «ҳозир газетани ким ҳам ўқирди, телеканалларда кўрадиган нарса йўқ-ку...» деб ярамга туз босишларини хоҳламайман. Бугун аксарият жойларда ишлаётган журналистлар кўп ойлик олишмайди. Бўш қоп тик турмайди. Рўзғор ўз номи билан ғор. Шундай экан, эркак кишига фақат журналистлик қилиб, оилани тебратиш қийин.

Баъзан «Нега журналистикани танладим?» деб ўйлаб қоламан.

Жавоблари мушкул саволларим кўп...

Йўқ, барибир, танлаган йўналишим бўйича ишлайман. Агар ёқмаса, ёқтиришмаса, балки бутунлай бошқа соҳага «бош олиб» кетарман. Аммо ҳозирча, журналистикадан кетгим ҳам, кечгим ҳам йўқ!

Олим ТЎРАЕВ,
ЎзЖОКУ талабаси

МУАССИС:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay’ati raisi), Ulug’bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G’OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),

Mehriddin SHUKUROV (Mas’ul kotib – «Ishonch»),

Valentina MARSENYAK (Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog‘iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg‘ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: Z. Rixsiyev

Musahhihlar: D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi: H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 20:00
Topshirildi – 20:30

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

Umumiy adadi 35 046 ta
Shundan:
7521 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
19 061 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
8464 nusxasi «Poligraf-Press» MChJ bosmaxonasi – Marg‘ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda
chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma 081

1 2 3 4 5 6